

**ҚАҲРАМОН РУҲИАТИНИ ЁРИТИШДА ДИАЛОГНИНГ ФУНКЦИЯСИ  
(Э.ХЕМИНГУЭЙ ҲИКОЯЛАРИ АСОСИДА)****Парпиева Моҳирахон Иномжон қизи***Фаргона политехника институти ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй ижоди мисолида қаҳрамон руҳиятини ёритишда диалогнинг бадиий функцияси таҳлил этилган. Ёзувчининг “айсберг назарияси” асосида диалог орқали инсон ички дунёси, сукут орқали ифода ва психологик реализм масалалари ёритилган. Хемингуэйнинг ҳикояларидаги диалоглар таҳлили орқали қаҳрамоннинг ички зиддияти, изтироб ва руҳий бардоши намоён этилган. Мақолада диалогнинг нафақат композицион, балки психологик ва фалсафий вазифаси ҳам очиб берилган.

**Калит сўзлар:** диалог, қаҳрамон руҳияти, айсберг назарияси, психологик таҳлил, минимализм, ички дунё, сукут, модернизм.

Адабиётда қаҳрамон руҳиятини очиш — асарнинг асосий бадиий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ёзувчи ёки шоир қаҳрамон ички дунёси, ҳис-туйғулари, орзумидлари ва ички зиддиятларини турли бадиий воситалар орқали ифода этади. Шу воситалар ичида диалог муҳим ўрин тутаяди. Диалог орқали нафақат воқеалар ривожини, балки персонажнинг ички дунёси, маънавий қиёфаси ҳам намоён бўлади.

Диалог – бу икки ёки бир нечта қаҳрамон ўртасидаги сўз алмашинувидир. У асарда бир неча вазифани бажараяди: воқеани ривожлантиради, қаҳрамон характери ва руҳиятини очаяди, муаллиф позициясини билвосита ифода этади. Қаҳрамоннинг сўзлаш услуби, овози, лексикаси ва сўз танлови унинг дунёқараши, билим даражаси, маданияти ва ички ҳолатини кўрсатади. Масалан, жаҳлдор қаҳрамоннинг гапириши кескин, қисқа ва тўғридан-тўғри бўлади; эзгу ниятли қаҳрамон эса мулойим ва эҳтиёткор сўзлар билан сўзлайди. Шу тариқа, ёзувчи диалог орқали қаҳрамоннинг ички ҳолатини ўқувчига “сўзсиз” етказа олади.

XX аср жаҳон адабиётида инсон ички дунёси, руҳий изтироб ва маънавий изланиш масаласи марказий мавзуга айланди. Бу жараёнда америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй ижоди алоҳида ўрин тутаяди. Унинг асарларида сўзнинг ихчамлиги, сатр орасидаги маънолар, сукут орқали ифода каби услубий хусусиятлар инсон руҳиятини чуқур очиб берувчи воситага айланган. Шу нуқтаи назардан, Хемингуэй ҳикояларида диалог қаҳрамон ички оламини ёритишнинг асосий бадиий усули сифатида намоён бўлади. Унинг “айсберг назарияси”га кўра, асарда айтиладиган сўзлар — фақат юза қисми, асл маъно эса “сув остида”, яъни қаҳрамоннинг ички дунёсида яширин ҳолда бўлади (Hemingway, *Death in the Afternoon*, 1932). Шу боис Хемингуэй диалог орқали инсон қалбининг чуқур қатламларини очишга муваффақ бўлган.

Кўп ҳолларда диалог қаҳрамоннинг ички дунёсидаги иккиланишни, изтиробни ифода этади. Масалан, у бошқа қаҳрамон билан суҳбатда бўлар экан, ўзининг ҳақиқий фикрини яшириши ёки юракдаги ҳис-туйғуларни сўз орқали ифода қилади. Бу ҳолат бадиий асарга психологик чуқурлик бағишлайди. Диалог орқали ёзувчи ўз фикрини тўғридан-тўғри баён этмасдан, персонажлар тили орқали билдириши мумкин. Шу тариқа, ўқувчи муаллиф ғоясини сўзлашув жараёнидан англаб олади. Бу бадиий асарни ҳаётга ва ишонарли қилади. Хемингуэйнинг “Оқ филларга ўхшаш тоғлар” (Hills Like White Elephants, 1927) ҳикоясидаги диалоглар – инсон муносабатларидаги сукут ва бегоналашувнинг бадиий кўриниши. Ҳикояда эркек ва аёл “операция” ҳақида гаплашадилар, аммо ёзувчи ҳеч қачон бу сўзнинг моҳиятини очмайди.

“Бу шунчаки операция, - деди эркек.

- Ҳа, мен биламан, - деди аёл.”

Бу сўзлар ортида муҳаббатнинг совуқлиги, ишончнинг йўқолиши ва руҳий бўшлиқ ётади. Диалогнинг қисқалиги ва сўзсизлик қаҳрамонларнинг ички изтиробини янада кучайтиради. Адабиётшунос Л.Эдель таъкидлаганидек, “Хемингуэйнинг сукутлари унинг сўзларидан ҳам баланд гапиради” (Edel, Hemingway: A Study in Solitude, 1972).

“Қотиллар” (The Killers, 1927) ҳикоясида Хемингуэй сўз алмашинуви орқали хавф, кўрқув ва ўлимнинг муҳитини яратади. Қаҳрамонлар ўртасидаги диалоглар оддий суҳбат каби кўринса-да, ҳар бир сўз ортида ўлим хавфи, ички кўрқув ва тақдирга бўйсиниш ҳисси яширин. Бу ҳикояда диалог воқеани ҳаракатга келтиради, аммо асл куч — қаҳрамонларнинг сукут ва лўнда жавобларида. Адабиётшунос К.Бейкер таъкидлаганидек: “Хемингуэйнинг қаҳрамонлари сўз орқали эмас, сукут орқали жанг қиладилар” (Baker, Hemingway: The Writer as Artist, 1972). Кўринадики, Хемингуэйнинг ҳикояларида диалогнинг ўзига хос динамик вазифаси бор. Диалог фақат ички руҳиятни эмас, балки воқеалар ҳаракатини ҳам таъминлайди. Бир қарашда оддий суҳбат орқали янги муаммо пайдо бўлиши, можаро авж олиши ёки ечимга етиши мумкин. Шу билан бирга, у асарнинг ритми ва драматик кучини таъминлайди. Диалог – бадиий асарда қаҳрамон руҳиятини ёритишнинг энг самарали воситаларидан биридир. У қаҳрамон нутқ маданияти, ички ҳиссиёти ва дунёқарашини ифода этиш билан бирга, асарнинг психологик ва эстетик таъсирини кучайтиради. Шу боис ёзувчи учун диалог нафақат композицион зарурат, балки персонажнинг руҳий портретини яратиш воситаси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Эрнест Хемингуэй ҳикояларида диалог бу фақат воқеани ҳаракатга келтирувчи восита эмас, балки қаҳрамон руҳиятини очувчи асосий бадиий функциядир. У орқали ёзувчи инсоннинг ички зиддиятларини, сукут орқали билдирилган изтиробини ва ҳаётга бўлган муносабатини намоён этади. Хемингуэйнинг “айсберг услуби” натижасида диалог сўздан кўра кўпроқ маъно

юклайди ва ўқувчини фаол таҳлилчига айлантиради. Шу жиҳатдан, Хемингуэй ижоди адабиётда ички руҳиятни ифода этишнинг янги бадий моделини яратди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Hemingway, E. *The Old Man and the Sea*. New York: Scribner, 1952.
2. Hemingway, E. *Hills Like White Elephants*. In *Men Without Women*. New York: Scribner, 1927.
3. Hemingway, E. *Death in the Afternoon*. New York: Scribner, 1932.
4. Baker, C. *Hemingway: The Writer as Artist*. Princeton University Press, 1972.
5. Edel, L. *Hemingway: A Study in Solitude*. New York: Scribner, 1972.
6. Қўлдошев, Х. “Замонавий жаҳон адабиётида психологизм муаммоси.” — Ўзбек адабиёти журнали, 2019.
7. Нормуродов, Ш. *Бадий нутқ ва қаҳрамон психологияси*. — Тошкент: Университет нашриёти, 2020